

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРИНИНГ
ИШ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАГИ УРНИ
ОИЛАВИЙ ВА ОИЛА ТИББИЁТИ ХАМШИРАСИНИНГ
ТИББИЁТ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Тиббиёт институтлари олий хамширалик иши факультети
профессор-укитувчилари ва 2-курс талабалари учун
укув-услубий курсатма**



САМАРҚАНД-2012

Тузувчи: **Абдуллаева Д.Н.** – Самарканд давлат тиббиёт инситути 1-сон
УАШ тайёрлаш терапия кафедраси ассистенти


Такризчилар:

Н.Р.Аралов – Самарканд давлат тиббиёт инситути госпитал
терапия кафедраси мудир, тиббиёт фанлари доктори

Э.Н.Ташкенбаева - Самарканд давлат тиббиёт инситути 2-
сон УАШ тайёрлаш терапия кафедраси доценти, тиббиёт
фанлари доктори

**Укув-услугий курсатма Самарканд давлат тиббиёт инситути Марказий
илмий укув услубий кенгашида муҳокама килинган
2012 йил 26 ноябрь №3 баённома**

МИУК раиси, доцент



З.Б.Курбаниязов

**Укув-услугий курсатма Самарканд давлат тиббиёт инситути Илмий
кенгаши йигилишида тасдиқланган
2012 йил 28 декабрь №4 баённома**

Илмий кенгаш котиби,

т.ф.д. профессор:



А.Т.Джурабекова



**Мавзу: Мамлакатимиздаги оилавий поликлиникаларининг
иш фаолияти ва уларнинг жамиятдаги урни.
Оилавий ва оила тиббиёти хамширасининг
тиббиёт хужжатлари.**

Мавзунинг утказиш жойи: Поликлиника, КВП;

Машгулотнинг жихозланиши: таркатма материаллар, компьютер слайдлари, фотоальбом;

Машгулот давомийлиги: 5 соат;

Машгулотнинг максоди: талабаларга мамлакатимиздаги оилавий поликлиникаларининг иш фаолияти ва уларнинг жамиятдаги урни, оилавий ва оила тиббиёти хамширасининг тиббиёт хужжатларини юритиш тартибини ургатиш;

Машгулотнинг вазифалари:

- мавзу буйича талабалар билимларни тизимлаштириш, мустахкамлаш;
- оилавий поликлиникаларнинг иш фаолиятини урганиш;
- оилавий поликлиникалар фаолиятини урганиш;
- оилавий поликлиникаларда хамшираларнинг жамиятдаги урнини урганиш;

Талаба билиши лозим:

- оилавий поликлиникалар хакида тушунча,
- оилавий поликлиникаларнинг иш фаолияти;
- оилавий поликлиникаларнинг жамиятдаги урни;
- оила ва оилавий хамшираларнинг тиббий хужжатларини юритишни;

НАЗАРИЙ КИСМ

Оилавий тиббиёт асослари, бирламчи ёрдам фалсафаси. оилавий поликлиника ва КВПлари тузилиши ва иш тартиби. КВП ва ОП лар иш фаолияти ва меъёрий хужжатлари.

Поликлиника–катта профилактик ишларни олиб боради, эпидемияга карши чора-тадбирларни утказди, поликлиника худудига киритилган аҳолининг саломатлигини урганади ва аҳоли орасида тиббиёт ишларини олиб боради, эрта касалланишни аниқлайди, унинг руйхатини ташкиллиштиради аҳоли саломатлиги ҳолати курсатгичларини таҳлил қилади, бириктирилган ишлаб чиқариш тармоқларида вақтинчалик ишлай олмайдиганлар касаллигини урганади.

Поликлиника-фаолияти негизи ҳудудий–участкали тамойилга асосланган, шу ҳудудда яшовчи одамларга тиббий ёрдамни курсатади. Поликлиника ва унинг штатлари фаолиятини режалаштиришда, хизмат курсатадиган одамлар сони, ёши ва жинси, касаллик даражаси ва турига асосланиши лозим.

Замонавий поликлиника катта, куп қиррали махсуслашган даво-профилактик маскандир, тиббий хизмат курсатишга мослаштирилган ва касалликни олдини олишга ва одамлар соғлигини тиклаш мақсадида утказиладиган профилактик муолажалар утказилади.

Унинг вазифаларига қиради:

1. Тусатдан пайдо бўлган ва уткир касалликларда.
2. Жароҳатланишларда бирламчи тиббий ёрдамни курсатиш.
3. Поликлиникага мурожаат қилганда.
4. Уйга чақирилган касалларга даво муолажаларни утказиш,
5. Диспансер назоратини режалаштириш ва утказиш.
6. Вақтинча ишга нолыйиклигини аниқлаш.
7. Беморларни ишдан озод етиш.
8. Тургун иш қобилятини йукотган беморларни ВТЭК қа юбориш,
9. Беморларни санатор-курортга давога юбориш.
10. Касалхонада даволанишга мухтож беморларни дарҳол касалхонага юбориш

Ўзбекистон республикаси президентининг 10 ноябр 1998 йилги № УР-2107 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш давлат тизимини қайта тиклаш ҳақида»ги қарорга биноан бирламчи соғлиқни сақлаш тизимини қайта тиклаш ва уни мустаҳкамлаштириш чора-тадбирлари киритилди шу қарорда давлат томонидан аҳолига бепул ишончли тиббий хизмат курсатиш алоҳида белгиланган. Республикаимизнинг ҳамма туманларда бирламчи тиббий санитар ёрдам «саломатлик-1 дастури» тасдиқланган. Афзалликларни тадбиқ етиш мақсадида олдин мавжуд бўлган ҳамма бирламчи ёрдам тизимлари: қишлоқларда–фелдшер-акушерлик пункти, қишлоқ врачлик амбулаторияси,

кишлок участка касалхонаси, эканомик жихатдан нолойик хисобланган кишлок врачлик пунктини кайта тиклаш лозим топилди.

КВП–дунё буйча кишлок ахолисига хизмат курсатадиган энг ривожланган тури хисобланади. Ундан ташкари эканомик жихатдан кулай ва амбулатор шароитда тиббий хизмат курсатишнинг демократик тури хисобланади.

Болаларга шаҳар ва кишлок шароитда тиббий-профилактик ёрдам курсатишни ташкиллаштиришнинг асосой тамойиллари бир хил. Лекин кишлок болаларига тиббий хизмат курсатишни ташкиллаштириш турлари кисман фарк килади, кишлок ахолисинг таркок жойлашгани кичик кишлокларнинг бир-биридан ва туман марказларидан узок жойлашгани ва шу билан бирга оналарнинг кишлок хужалигида иш жойлари бунга асосдир. Кишлок согликни саклаш тизими куринишларни хисобга олган холда ва ахолига тиббий хизматни юкори даражада якинлаштириш максадида боскичли тамойил билан ташкиллаштирилган. Бунинг негизида касал болага бир боскида курсатилмаган керакли тиббий хизмат кейинги боскичда курсатилиши назарда тутилган. Шунга караб хар бир боскич узида бурчи ва вазифаси турли хил булган тиббий ДПМга эга. Биринчи боскичда болалар тиббий хизматгача ва бирламчи тиббий ёрдам курсатилади. Бунда асосан профилактик ва епидемияга карши ёрдам курсатилади. Кишлок шароитидаги болаларга шаҳардаги болалар каби участка тамойилида хизмат курсатилади. Одан 18 ёшгача булган болар хисоб журнал тутилади унда болалар Ф.И.О тугилган куни ва турар жойи белгиланади.

Аллбатта тиббий ходимнинг кабул вакти жадвали ва КВПнинг доимий иш жадвали булиши лозим. Амбулатор кабул вақтлари ахолига мослаштирилган ва хужаликлар бошликлари билан келишилган булиши лозим. Амалиётда КВП тиббий ходими марказий туман касалхона мутахасислари билан келишилган холда ишлайди уларда КВПдан доимий ва тусатдан келиб кетувчи касалларини кансултациядан утказди. Режали киритилган касаллар КВП тиббий ходимларига уз вахтида беморни кансултацияга юборишга тайёрлашни осонлаштиради.

УзР ССВ 6-декабрь 2004-йил

№535 буйругига илова №1 КИШЛОК ВРАЧЛИК ПУНКТИ НИЗОМИ

КВП даво профилактик муассаса булиб бириктирилган жойларда ахолига юкори даражада хизматни курсатишга мулжалланган.

1.КВП хисобда ахоли сони 1500 ва ундан юкори булганда ташкил килинади бунда кучиб келувчи ва кучиб кетувчилар руйхатга олинади кишлок хужалиги ва бошка турдаги ишлаб чикариш корхоналари билан зич жойлашган ахоли уртасида богликлик булиши лозим.

2. КВП хизмат курсатадиган ахоли сонига караб булиши мумкин:

Биринчи тур-1500 гача булган одам

Иккинчи тур-1500дан 3500 гача булган одам

Учинчи тур-3500дан 6000 гача булган одам

Туртинчи тур-6000 ва ундан ортик.

КВП ташкил килиш ва уни олиб ташлаш маҳаллий бошқарув тизимлар билан аниқланади туман ҳокимияти ва МТК бош врачлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

3.КВПишчи ходимлари нинг функционал вазифалари ва ҳуқуқлари УзР ССВ томонидан белгиланади.

4.КВП маҳаллий буюджетидан молия вий томонидан таъминланади УзР ССВ томонидан тасдиқланган алоҳида курсатилган тиббий жихозлар ва анжомлар билан безатилади.

5. КВП нинг тулик ишлаши учун дори воситалари ва санитария гигиена воситалари билан таъминланиши лозим .

6.КВП ни бўлим бошлиғи бошқаради туман бош врачлари томонидан ишга олинади ва ишдан бўшатилади

7. Тез тиббий ёрдамни курсатиш учун КВП авто транспорт билан таъминланади.

8. аҳоли зич жойлашган пунктлар сони ва умумий аҳоли сонига кизмат килинадиган жойнинг кенглиги транспорт йулинг ривожланишига кишлоқ хужалиғи ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланишига қараб КВП да штат бирлиғи белгиланади.

9.Врачлар штат бирлиғи КВП тури ва бириктирилган аҳоли сонига боғлиқ ҳар бир врач бирлиғига бириктирилган аҳоли сони 1500дан ортиқ бўлмаслиғи керак.

10. КВП куйдагиларга бўлинади

- Кундизги урин жойли КВП (жой урни 10 дан куп эмас)

-Кеча-ю кундуз урин жойли КВП узок жойлашган ва курсатиш кийин бўлган жойларда территориял соғлиқни сақлаш органлари томонидан ташкиллаштирилади.

11. КВП газ тармоғи марказий сув ва алоқа хизмати билан таъминланиши лозим.

12. КВП лар Уз Р Мин Кап томонидан тасдиқланган «Уз ДавЛоиха» томонидан ишланган умумий проект бўйча курилади.

13. КВП ҳисоб руйхати ҳужжатларни олиб боради ва МТК курсатилган тартиб бўйча топширилади.

14. КВПштат бирлигини аниқлашда КВП бўлим бошлиғи лавозимиға—умумий амалиёт шифокориға—унинг ойлик пули врач ойлик пулидан келиб чиқади ва енг кам ойликдан 50% кутарилади. КВП асосий молиявий таъминоти тамойили вачнинг битта қабулиға қаратилган КВП бўлим бошлтиги МТК га меъёрий дастурни курсатади. Юқори органлар врачнинг битта қабулиға ҳақни ва молиявий таъминот ҳажми меъёрий дастурини тасдиқлайди .

15.КВП икки хил турда иш олиб бориши мумкин:МТК таркибида ёки алоҳида узи юридик мустақил муассаса ҳисобида.

16. мустақил КВП ларда бўлим бошлиғи уринбосари КВП молиявий таъминот менежери лавозими берилади у бўлим бошлиғига сифатли ҳужалик-молиявий таъминот ишларида ва қадирлар ишларида ёрдам беради.

КВП нинг асосий вазифалари:

-Бириктирилган аҳолига малакали тиббый хизмат курсатиш профилактик тадбирлар утказиш касалликни ва жарохатини даволаш ногиронлик курсаткичларини камайтириш ва бириктирилган аҳоли уртасида улим курсаткичларини камайтиришн таъминлайди.

- Аҳоли уртасида гигиеник санитар тадбирларни утказиш

- СТТни тарғибот килиш шу билан бирга рационал овкатланишни ҳам алгогол ичимликларни истемол килиш ва чекишга карши кураш яъна бошка зарарли иллатлирга карши кураш; жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишни тарғибот килиш.

- Санитар-эпидемияга карши тадбирларни ташкиллаштириш ва утказиш: прф. эмлашлар, муассасалар сан кузатуви, аҳоли зич жойлашган жойлар тозалиги;

- Куп таркалган касалликларга карши даво-профилактик тадбирлар

- Уз устида доимий ишлаш ва малака ошириб туриш;

- Турли касалликлар билан огриган беморларни эрта ташхислаш ва керак булса МТК дан мутахасис-врач куригини ташкиллаштириш;

-Курсатма буйича уз вактида МТКга жойлаштириш;

-Талаб буйича вактинчалик ишга нолойикликни тахлил килиш;

-Инфекция учоклари, касалликлар ва турли ФХ пайдо булганда СЭС, МТК га маълумот бериш.

Тест саволлари

1. Анафилактик шок купинча куйдаги дори воситаси юборилгандан сунг келиб чиқади

А) зардоблар, ваксиналар

Б) юрак кон томир препаратлари

В) сийдик хайдовчи воситалар

2. Кон босими пасайиши, киска муддатли хушдан кетиш (ёшларда), терининг окимтир булиши куйдаги холатда кузатилади:

А) коллапс

Б) хушдан кетиш

В) талваса синдро

3. Стенокардия хурижини бартараф этиш учун килинади:

А) преднизалон в/в

Б) нитроглицерин тил остига

В) кислород ингаляцияси

4.Гипертоник кризда шошилинич ёрдам курсатишда кулланилади:

А)гипотензив ва сийдики хайдовчи воситалар

Б) анальгетик ва кон суюлтирувчи воситалар

В) юрак гликозидлари ва седатив восита

5. Гипертоник криз асор

А) брундан кон кетиш, упка шиши, инсульт

- Б) Коллапс, шок
- В) буйрак етишмовчилиги

6. Ташналик, полиурия, иштаханинг баланд булиши, терининг терининг куруклиги ҳамда кичиши симптомлари куйдаги касаллик учун хос

- А) крапивница
- Б) кандли диабет
- В) пиелонефрит

7. Касалхона ичи инфекциянинг манбаи кайсила

- А) ностерил асбоблар
- Б) тиббий ходимлар,
- В) бемор, тиббий ходим

8. Касалхона ичи инфекциянинг юкиш механизми?

- А) сунъий, табиий
- Б) табиий
- В) вертикал

9. Кайси турдаги кулқопдан кайта фойдаланиш мумкин?

- А) хужалик
- Б) хирургик
- В) ҳаммаси

10. Мукамал тозалаш ишлар қачон утказилади?

- А) ойда бир марта
- Б) ҳафтага бир марта
- В) ҳар квартал

11. Сувсизланиш белгиларини санаб утинг:

- А. Қувватсизлик ва ҳолсизлик;
- В. Чанқаб қушларининг қиртайиб қолиши;
- С. Пешобнинг қуш ажралиши;

12. Қулоқни қуриштида нималардан фойдаланасиз:

- А. Пахта уралган пинсет;
- В. Уй шароитида пахта уралган гугурт қуши;
- С. Тоза матодан қилинган пилик;

13. Болалар 2 ёшгача қандай касалликларга қарши эмланади?

- А. Гепатит «А», минингит, қизамиқ;
- В. Сил, қизамиқ, тепки;
- С. ОИВ, грипп, дифтерия;

14. Гипогликемик қомада беморнинг териси:

- А. Қуруқ, тирноқ излари сезилади;
- В. Нам, одатий рангда;
- С. Қуруқ, иссиқ;

15. Диабетик қомада беморнинг оғзидан келаётган ҳид:

- А. Алкагол;
- В. Ацетон;
- С. Айниган тухум;

Савол-жавоб:

1. Мулокот деганда нимани тушунаси?

Ж: Мулокот икки томонлама нутк, хат, расм, фильмлар ва бошқа куринишларда
гоялар, фикрлар ва ахборотлар алмашинуvidан иборатдир.

2. Идрок деганда нимани тушунаси?

Ж: Идрок бу инсоннинг нима тугри, фойдали ва керакли эканлиги хакида билдирадиган уз шахсий фикридир.

3. Сут хосил булиши ва ажралишида кайси гормонлар иштирок этади?

Ж: Пролактин ва окситацин;

4. Факатгина кукрак билан эмизиш деганда сизнинг тушунчангиз?

Ж: 6 ойгача кушимча овкат хам, сув хам бермаслик.

5. Кукрак учининг огришига сабаб нима?

Ж: Болани кукракка нотугри ушлаш.

6. Микроблар таркалиши профилактикасининг энг яхши усулини ёзинг:

Ж: Кулларни тозалаб ювиш.

7. Спирт воситаси билан кул ювиш коидаси неча кадамдан иборат?

Ж: 8 кадам.

8. Кулларни иссик сув ва совун билан ювиш неча кадамдан иборат?

Ж: 11 кадам.

9. Жарохатнинг кандай турлари бор?

Ж: Кесилган, шилинган, чопилган, санчилган, урилган, юлинган, ук теккан, тишланган.

10. Куйишнинг I-даражаси белгиларини ёзиб беринг:

Ж: Терининг кизариши ва озгина шишиши.

1-МАСАЛА: Бемор 36 ёшда, шикояти йутал, балгам билан кучли жисмоний зурикишда нафас етишмовчилиги кузатилади. 10 йилдан бери чекади. Ичши, ахволи коникарли, кукрак кафас нормал ривожланган. Упкасида курук хириллашлар кузатилади. Юрак чегараси узгаришсиз, юрак тонлари узгаришсиз, пульс 80 марта, АКБ-110/70. Кон анализи Нв-100г/л, СОЭ-17 мм/с, балгам тахлили: шилимшик, йирингли, R-графияси-упка илдизи кенгайган.

1. Сизнинг ташхисингиз 2. Текшириш режаси. 3. Даволаш режаси.

2-МАСАЛА: 40 ёшли аёл кул панжалари совук котишига, юз териси тортишишига, мушакларидаги огрик ва ютинишдаги огрикга шикоят килади. Танасининг юкорисида териси индурацияланган, телеангиоэктазлар аникланади. Бармоқларда 3-0,5 см.ли каттик кальциналар аникланади. Лукмани ютишида огрик ва дисфагия кузатилади. Конда ЭЧТ-35 мм/с, глобулинлар 65%, альбуминлар-35%, АНФ-1:20 титрда.

1. Сизнинг ташхисингиз 2. Текшириш режаси. 3. Даволаш режаси.

Хамширалик хужжатлари

Тартиб билан юритилган хамширалик хужжатлари, хамширалик ишининг ва сифатли парваришининг асосий хамда муқаррар таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Мижознинг тиббий дафтарчаси қонуний хужжат ҳисобланиб, у тартибли юритилиши ва унда мижоз ҳақида барча маълумотлар бўлиши лозим. Тиббий хужжатда мижоз ва унинг оиласи учун утказилган парвариш ҳақидаги маълумотлар аник қурсатилган бўлсагина парвариш самарали бўлиши мумкин. Қайд қилинган маълумотлар бошқа шифокорлар томонидан тавсия қилинган ҳолатларда даволаш катта самара бериши мумкин. Тиббий дафтарчадаги клиник хужжатлаштириш мижознинг жорий хамда келгуси парваришидаги муаммоларни ҳал қилишда тиббий ходимлар учун асос ҳисобланади.

Тиббий дафтарчани клиник хужжатлаштириш бўйича бирор бир ягона андоза мавжуд эмас. Мазкур жараёнда қуйидаги ухшаш қоидаларга амал қилиниши керак:

Хамширалар учун хужжатларни бошқариш бўйича тавсиялар	Илмий асос
Тиббиёт дафтарчасидаги маълумот тартибли, ҳаққоний ва мантикий бўлиши керак.	Хамшира юритадиган тиббий дафтарча мижоз тарихининг асоси ҳисобланади. Хамширанинг қайдлари мижоз мурожаат қилганини қурсатувчи далил ҳисобланади.
Маълумотлар бирор воқеа ёки ходиса рўй бергач дарҳол қайд қилиниши зарур (муолажа, катнов...,)	Тартибли, ишончли юритилган хужжатлар мижоз билан учрашув вақтида воқеликни ақс эттиради. Қасаллик тарихининг тартибли юритилиши мижознинг парвариш сифатини аниқлайди.

Тиббиёт дафтарчасидаги маълумотлар аниқ, тушунарли ва тартибли қайд қилиниши лозим.	Тиббиёт дафтарчасида қайд қилинган ёзувлар бошқа шифокор ва тиббиёт муассасаси томонидан уқий олинадиган бўлиши лозим.
Тиббиёт дафтарчасида сана, вақт, куриқ маълумотлари ва имзо бўлиши шарт.	Сана, куриқ маълумотлари ва жавобгар шахс аниқ курсатилиши керак.
Исм ва фамилия имзонинг рупарасида ёзилган бўлиши шарт.	Қайдларни киритган жавобгар шахс аниқ курсатилиши керак.
Матн шундай ёзилиши керакки, уни ўқирини ёки нималарнидир киритиш имкони бўлмасин.	Тиббиёт дафтарчасидан баъзан суд жараёнида фойдаланилади.
Қайдлар қисқартма суз, маъносиз жумла ёки уринсиз гаплардан холи бўлиши керак.	Шундай экан ҳамшира томонидан қайд қилинган тиббиёт дафтарчаси аниқ, тушунарли ва қисқа бўлиши лозим.
Қайдлар мижоз учун тушунарли атамаларда ёзилиши керак.	Мижозлар узларининг тиббий ҳамшира дафтарчаларини олиш ҳуқуқига эга бўлишлари ва ҳужжатдаги ёзувларни тушуна олишлари керак.
Маълумотлар иложи борида мижознинг олдида ёзилиши лозим.	Мижозларнинг мулоҳазалари (уларнинг қарашлари, даводан воз кечишлари) қайдларда курсатилиши мумкин.
Маълумотлар қора рангда ёзилиши керак.	Маълумотлар аниқ курсатилиши керак.
Ҳамма даврда ҳам маълумотлар махфий ва ижозатсиз фойдаланилишидан ҳимояланган бўлиши лозим.	Амалиётга келган шифокорлар ҳам махфийликни сақлаши керак ва фақат аниқ мақсад учун маълумотлардан фойдаланиши мумкин.

БЕМОР ПАРВАРИШИНИ БАХОЛАШ

Тиббий хамшира ташхиси/ бемор муаммоси	Холат	Ижобий узгаришларни баҳолаш				Сана/ имзо

Холат коди: **Ф**-фаол, **К**-карор кабул килинган

Баҳолаш коди: **Б**-баркарор, **Я**-яхшиланган,
Ё-ёмонлашган, **У**-узгаришсиз,
И-Ижобий узгаришлар, **УЙ**-узгариш йук.



Стат. талон код № _____

Ф.И.больного _____

Год рожд. б-го _____

Адрес б-го _____

Диагноз _____

впервые выявленное (+)

Ф.И.О. врача _____

Дата _____

Стат. талон код № _____

Ф.И.больного _____

Год рожд. б-го _____

Адрес б-го _____

Диагноз _____


впервые выявленное (+)


Ф.И.О. врача _____

Дата _____

АМАЛИЙ КУНИКМА

Хар томонлама объектив баҳо бериш амалиёти





Мустакил иш учун мавзулар:

1. КВП нинг асосий вазифалари:
2. Хамширалар учун хужжатларни бошқариш бўйича тавсиялар
3. Аҳоли уртасида гигиеник санитар тадбирларни утказиш
4. Оилавий поликлиникалардаги хамшираларнинг жамиятдаги урни

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бемор болаларни парвариш қилиш ва оналарга маслаҳат бериш, -Тошкент 2010, “Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш” лойиҳаси
2. УзССВнинг 6 сентябрь 2005 йилдаги 425-сонли “Ўзбекистон республикасида бирламчи тиббий-санитария муассасаларида ҳомиладорларга курсатилаётган хизматнинг самарадорлигини ошириш учун замонавий технологияларни киритиш” номи буйруғи.
3. А. Гадаев., Х. Аҳмедов. “Умумий амалиёт врачлари учун амалий қуникмалар туплами”.-Тошкент, 2012
4. «Основы сестринского дела в семейной медицине» /Под. редакцией Т.Ч.Чубакова, Э.Б.Фрике, В.Халики.—Бишкек.2003.
5. “Сестринское дело”, том 2. Под ред. А.Ф. Краснова.- М .:ГП “Перспектива”, 1999.-504 с
6. Маколкин В.И., Овчаренко С.И., Семенов Н.Н. “Сестринское дело в терапии” .-М.: АНМИ,2000.-527 с.
7. Фомина И.Г. “Общий уход за больными”. Учебник.-М.:Медицина,2000.-304 с
8. Мухина С.А., Тарновская И.И. “Теоритические основы сестринского дела”, часть 2.-М.: Родник , 1998.-208 с
9. www.nhs.uk
10. Familydoctor.org
11. Choices www.nhs.uk/Pages/HomePage.aspx
12. NHS Clinical Condition Summaries www.cks.nhs.uk
13. [http://www.netdoktor.co. uk/diseases/fakts/cirrhosisliver.htm](http://www.netdoktor.co.uk/diseases/fakts/cirrhosisliver.htm)
14. Medical Review Board[http://www.nhs. uk](http://www.nhs.uk)
15. **Arthritis Care** www.arthritiscare.org.uk
16. www.google.ru

2012 йил 29 декабрда босишга рухсат этилди.
Қоғоз бичими А4. Офсет қоғози.
Адади 100 нусха. Буюртма № 204

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд шаҳар, Бўстонсарой кўчаси, 93 уй.